

O'ZBEKISTON

OVOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA



■ 2003-YIL ■ 24-IYUN ■ SESHANBA ■ 75 (27.095) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.



Шу кунларда мамлакатимизнинг барча олий ўқув юрларида битирув кечалари ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Самарқанддаги олий ҳарбий автомобиль муҳандислари билим юртида ҳам бўлиб ўтди. Тантанادا 286 нафар талабага 7 мутахассислик бўйича диплом берилди.

Улар қўлга дипломни олар экан, Ватанга садоқатли ўғлон бўлиши, ҳамиша она юрт осойишталиги учун хизмат қилишга ваъда бердилар.

Ота-оналар ва битирувчилар ҳаётида ушбу кун унутилмас бўлиб қолиши шубҳасиз. Ёш офицерларни оғир ва машаққатли синовлар кутмоқда. Энди улар сизу бизнинг ҳимоячиларимиз. Ватаннинг оғир ва машаққатли синовлар кутмоқда. Энди улар сизу бизнинг ҳимоячиларимиз. Ватаннинг оғир ва машаққатли синовлар кутмоқда. Энди улар сизу бизнинг ҳимоячиларимиз.

Суратларда: Самарқанд олий ҳарбий автомобиль муҳандислари билим юртидаги битирув кечасидан лавҳалар.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ВАТАН ҲИМОЯСИ — ОЛИЙ ШАРАФ



«ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ, ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАЙМИЗ!»

МАКТАБ, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА «ИСТИҚЛОЛ УМИДЛАРИ» БИТИРУВ КЕЧАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

ТОШКЕНТ. (ЎЗА муҳбири Назоқат Усмонова). Мустақил фикрли, мустаҳкам иродали, чуқур билимли, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек масъулиятли вазифага эътибор давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бугун юртимизда янги ҳаёт, янги жамият қуришда айнан мана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мақтаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллеж ўқувчиларининг пойтахтимиздаги «Пахтакор» марказий стадионида бўлиб ўтган «Истиқлол умидлари» битирув кечаси буни яна бир бор тасдиқлади.

«Ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!» шiori остида ўтган тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт вазирликлари, Ўзтелеферадиокомпания, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил этди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури изчиллик билан жорий этилаётгани, унинг ўзбек таълим модели сифатида бутун дунёда кенг эътироф этилаётгани, бу соҳадаги ишларимизга бошқалар катта ҳавас билан қараётгани таълимдаги ислохотларнинг нақадар тўри ва ҳаётийлигини кўрсатмоқда. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси, Зулфия номидаги Давлат, «Ниҳол» мукофотларининг таъсис этилиши, пойтахтимизда халқаро Вестминстер университетининг очилиши ёшларга бўлган катта эътиборнинг яққол намойишидир.

Мамлакатимизда миллимиз эртаси бўлган ёш авлоднинг жисмонан баркамол вояга етиши учун тинимсиз ғамхўрлик кўрсатилмоқда.




Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши, мунтазам ўтказилаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт мусобақалари ёш авлоднинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиб воя-

га етишида, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишда муҳим омили бўлмоқда.

Ҳарбий, спорт, бадий жамоалар тайёрлаган махсус байрам дастурлари тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши, мунтазам ўтказилаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт мусобақалари ёш авлоднинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиб воя-

га етишида, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишда муҳим омили бўлмоқда.



ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

САНЪАТГА БАХШИДА УМР

Ўзбек миллий рақс ва хореография санъатининг ривожланиши ва бой маданий меросимизнинг дунёга танилишида Ўзбекистон халқ артисти Галия Измайлованинг ҳам хизмати катта.

Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида санъаткор таваллудининг 80 йиллиги ва ижодий фаолиятининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган кечада бу ҳақда алоҳида таъкидланди. Тадбирни Маданият ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил этди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Г.Измайловани «Меҳнат шурхати» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармони Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди ва ордени санъаткорга тантанали равишда топширди.

Галия Измайлова жаҳон ва ўзбек композиторларининг



кўплаб балетларида етакчи партияларни ижро этган. Шу билан бирга Ўзбек миллий рақслари ҳам Г.Измайлова ижросида томошабинларни ром этган.

Раққоса шу кунларда ҳам балет спектаклидан ташқари, кўплаб опера асарлари учун рақслар, яқка ва оммавий хореографик композициялар, ижодий жамоалар учун миллий рақслар тайёрлашда фаол иштирок этмоқда. Ёш истеъдод эгаларини тарбиялаш борасида самара-

ли фаолият олиб борапти.

— Ўзбек миллий рақс санъати орқали халқимизга, томошабинларга, шогирдларимизга керак эканимиз ҳис этиб яшаш мен учун буюк саодат, — деди Галия Измайлова. — Камтарона меҳнатимни юксак қадрлаб Ватанимизнинг юксак ордени билан тақдирлагани учун Юртбошимизга ташаккурлар айтаман.

Кечада санъаткорни шогирдлари, ҳамкасблари, мухлислари қутладилар. (ЎЗА)

БОЛАЛАР СПОРТИ

Қарши — Термиз темирйўл шахобчасига қарашли «Локомотив» спорт саройи бундан саккиз йил бурун унинг тадбиркор мутасаддиси Худойқул Алиқуллов ва жонқур ҳимоячиларининг елиб-югуриши билан бунёд бўлганди. Кейинги пайтда яна бир қанча қўшимча хоналар қурилди. Тренажёр-

ҚУВОНЧ АРФИМЧОҚЛАРИ

лар, тўғрақлар учун спорт анжумлари сотиб олинди. Бино атрофи турфа дарахларга бурканган боққа айланди. Темирйўл шахобчаси раҳбарияти томонидан мусобақаларга тайёргарлик учун ҳам зарур маблағлар ажратиб келинмоқда.

Қарши шаҳридаги мактаб, коллеж ва бошқа ўқув масканидан машғулларга қатнаётган болалар спортнинг бокс, кик-боксинг, қўл жанги, кураш, оғир атлетика каби турлари бўйича юқори натижага эришмоқдалар. Олайлик, ўн ёшли А.Жабборов, Б.Хушмуродовлар қўл жанги бўйича республика чемпиони бўлишди. Бундай умидли спортчилар кўп. Улар учун спорт — мустақил ҳаётга тайёрлаш, бошқача айтганда, қувонч арғимчоқларидир.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК ПИЛЛАКОРЛАР ГАЛАБАСИ

Қорақалпоғистонлик пиллакорлар пилладан мўл ҳосил етиштирдилар. Қабул пунктларига 530 тонна ўрнига 537,6 тонна пилла топширилиб белгиланган шартномавий режа ошириб бажарилди. Республиканинг катта хирмонига Амударё, Тўртқўл, Эллиқ-Аля, Беруний тумани пиллакорлари муносиб ҳисса қўшдилар. Хўжайли, Кегайли, Чимбой туманлари пиллакорлари ҳам шартнома режасини ошириб бажардилар. Қорақалпоғистонликлар умумий хирмони 550 тоннага етказишмоқчи.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ

ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТИ ВА САЙЛОВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳасининг матбуотда эълон қилиниши билан унинг умумхалқ муҳокамасига бошланди. Мазлумки, у биринчи ўқишда Олий Мажлис XI сессиясида маъқулланиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Бу билан ушбу қонуннинг жамият ҳаётидаги муҳим аҳамиятидан келиб чиқиб, унинг лойиҳасини қёвмига етказиш ва қабул қилишда фуқароларнинг турли тақлиф ҳамда фикр-мулоҳазаларини инobatта олиш лозимлиги кўзда тутилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси турли қонунлар лойиҳаларини муҳокама этиш ва уларнинг Олий Мажлис томонидан ўз депутатлари орқали қабул қилинишида иштирок этиб келмоқда. Яқинда Марказий Кенгаш Котибияти барча партия тузилмаларининг маъмурият ва депутатлари муҳокамасига иштироки тўғрисида махсус қарор қабул қилди ва унда бу ишга партиядан сайланган депутатлар, ХДП фаоллари ва сайловчиларни жалб этиш тақлиф этилди. Партиянинг Олий Мажлисдаги фракциясига муҳокамалар давомида тушадиган тақлифлар, билдирмадиган фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб, уни ўз йиғилишида кўриб чиқишга тавсия берилди.

Марказда ва жойларда Қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган учрашувлар, «давра суҳбатлари», анжуман ва бошқа тадбирлар бўлиб ўтаётди. Марказий Кенгаш қошидаги Экспертлар гуруҳи аъзолари — олимлар, мутахассислар, партия фаоллари, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам ўз тақлифларини бермоқдалар. Хусусан, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва партиянинг Олий Мажлисидаги фракцияси ташкил этган, «Ўзбекистонда парламент ислоҳоти ва сайловларнинг қонунчилик-ҳуқуқий нағизини такомиллаштириш масалалари» мавзусидаги, «давра суҳбати» натижалари диққатга сазовордир.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 24 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	649,76	1 Польша злотийси	255,78
1 Англия фунт стерлинги	1620,54	1 СДР	1380,19
1 Дания кронаси	152,14	1000 Туркия лираси	0,68
1 БАА дирҳами	265,19	1 Швейцария франки	732,72
1 АҚШ доллари	974,00	1 ЕВРО	1128,87
1 Миср фунти	162,88	10 Жанубий Корея вони	8,18
1 Исландия кронаси	13,04	10 Япония иенаси	82,37
1 Канада доллари	715,28	1 Россия рубли	32,06
1 Хитой юани	117,67	1 Украина гривнаси	182,64
1 Малайзия ринггити	256,35		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмурият ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади.

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

